

НУСРАТУЛЛО ЖУМАХЎЖА



“Қаро
кўзум...”

ҒАЗАЛИ ТАДҚИҚИ

580

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

НУСРАТУЛЛО ЖУМАХЎЖА

“ҚАРО КЎЗУМ...” ҒАЗАЛИ ТАДҚИҚИ

Монография

Бир ғазал ҳақида бир китоб

Алишер Навоӣи таваллудининг
580 йиллигига бағишланади



Тошкент - 2021

Эммануил
Миллат раҳбарлиги
Тошкент

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ўзб)

Ж 87

Жумахўжа, Нусратулло.

“Қаро кўзум...” газали тадқиқи [Matn]: адабий-илмий / Н.Жумахўжа. – Тошкент: Muhatrir nashriyoti, 2021. – 308 б.

ISBN 978-9943-6835-6-3

Ушбу монография буюк мутафаккир Алишер Навоий қалами-га мансуб, халқимизга энг машҳур ва манзур газал “Қаро кўзум...” тахлилларининг тадқиқига бағишланган. Маълумки, Алишер Навоий асарлари мазмуни, моҳияти, гоյларни, образлари ва бадий санъаткорлик маҳоратини тахлил этиш ҳамда шарҳлаш йўли билан кенг халқ оmmasига етказиш бугунда навоийшунослик илмининг алоҳида тармоғига айланган. Ушбу йўналишни ривожлантиришга кўйлаб олимлар, шоирлар ўз хиссаларини кўшмоқдалар. Шу боисдан, Навоийнинг ҳар бир газали билан бирга, бир газали ҳақида ўнлаб тахлиллар майдонга келмоқда. Хар бир газал тахлили, илмий термин билан айтганда, анализдир. Ана шу тахлил, яъни анализларни умумлаштириш, улар устида тадқиқот яратиш, яъни синтез қилиш ҳам долзарб масала бўлиб, у адабиётшунослик, навоийшунослик ва газалшунослик илми учун муҳимдир. Биз мазкур жараённи кўп йиллардан бери кузатар ва ўзимиз ҳам газалиёт тахлилларида иштирок эгар эканмиз, “Бир газал тадқиқи” йўналишида тадқиқот яратишни орзу қилганмиз ва бу орзумизни амалга оширишни “Қаро кўзум...” газали тадқиқи” дан бошладик.

Монография адабиётшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар ва мумтоз шеърийят билан қизикувчи кенг китобхонлар оmmasига мўжалланган.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ўзб)

Масъул муҳаррир:

Шухрат Сирожиддинов – филология фанлари доктори, профессор

Тахриричлар:

Боқижон Тўхлиев – филология фанлари доктори, профессор;

Сувон Медиев – филология фанлари доктори;

Қўлдош Пардаев – филология фанлари доктори;

Шаҳноза Раҳмонова – филология фанлари бўйича фалсафа докт. (PhD).

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2020 йил 24 октябрдаги 3-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6835-6-3

© “Muhatrir nashriyoti”,
Тошкент, 2021.

СЎЗБОШИ

“Қаро кўзум...” Алишер Навоийнинг¹ олимларимиз ҳамда шоирларимиз томонидан энг кўп ва энг хўб ўрганилган газалларидан биридир. Ушбу газалнинг маҳсуус тахлиliga оид шоир Эркин Воҳидов, академиклар Матёкуб Қўшқонов, Алибек Рустамов, Абдулла Аъзамов, филология фанлари докторлари Исмагулла Абдуллаев, Нажмидин Комилов, Нусратулло Жумахўжа, филология фанлари номзодлари Бойбўта Дўстқороев, Исmoil Бекжоновларнинг мақолалари Республика

¹ Улуг мутафаккир Низомиддин Мир Алишернинг тахаллуси аслиятига мувофиқ “Навоий” шаклида ёзилди. Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси Абдурауф Фитрат ўз асарларида тахаллусини шундай қўлаган, асарлардаги тахаллус илмоси замонавий нашрларда ҳам аслича чоп этилди. Профессор Ҳамид Сулаймон “Алишер Навоий номининг ёзлиш шакллари ва илмоси ҳақида”ги (“Адабий мерос”, 1977 йил, 9-сон, 43-бет) мақоласида масалага манбашунос сифатида ёндашиб, “Навоий” шаклидаги газали машурнинг келиб чиқиши тарихини батафсил ёритди ва муаммони тўғри ҳал этди. Адабиётшунос олим Н.Жумахўжа 1990-йиллари Ўзбекистон матбуотида эълон этилган қатор мақолаларида ва “Истиклол ва она тилимиз” китобидаги “Навоий” тахаллусининг бадий маъно миқёслари ва илмосига доир” сарлавхали мақоласида (“Шарқ”, Т., 1998, 79-90-бетлар) тахаллуснинг тўғри ёзлишини исботлади. Шу юлтобда, “Халқ сўзи” газетаси ва “Муштум” журналида бир муддат тахаллуснинг шу илмосига ўтилди. Тахаллусни қандай ёзиш ҳақида бирор қарор қабул қилинмаган бўлса-да, жамият маҳсуус қарорга эҳтиёж сезди шекилли, яна хато имлога қайтди. Шундай пишиб этилган масалалар тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилиб, уни матбуотда чоп эттириб, ижросини тазминлашни Давлат тилини ривожлантириш департаменти ўз зиммасига олса, яхши бўларди. Биз монографияда тахаллусни аслига мувофиқ шаклда қўллашни лозим топдик. Тилдаги ўзари унли товуш билан тугатган тахаллусларга ёйи нисбат “йи” шаклида қўйилиши қонуниятига асосида Навоий, Атоий, Гадоий тахаллуслари бир хил ёзилади.